

Юсуф ЗИЁДОВ

# РУХИЯТ МАНЗАРАЛАРИ

Шеърлар



Қариши  
«Насағ» нашриёти  
2013

84(59)4-98. ағағ

УДК Уз.2

ББК 84 (5Узб)-3

360

Юсуф Зиёдов шеърият аҳлига, шеър ихлосмандларига анчайин таниш. Журналистика соҳасида ҳам озми-кўпми қалам тебратиб келаётган ижодкор. Шеърият таҳлилига бағишлиланган бир қанча илмий мақолалар муаллифи ҳамдир. Шеъриятга меҳри бўлакча.

Ушбу мўъжаз тўпламдан ҳам унинг сара шеърлари ҳамда «Дунё» достони ўрин олган.

Аксарият шеърлари ишқ-муҳаббат мавзуига бағишлиланган бўлса-да, руҳий кечинмалар, фалсафий мушоҳадалардан холи эмас. «Руҳият манзаралари»га ошино бўлинг, ўзингиз гуноҳ бўласиз, азиз китобхон!

10 40930  
0

3 4702620202-06  
376 (01) 2013 06-2013

© Ю. Зиёдов, 2013 й.

© «Насаф» пашриёти, 2013 й.

ISBN 978-9943-18-111-3

3/45  
3207

## ДИЛ СОГИНЧЛАРИ ИЗҲОРИ

Дил, қалб, күнгил сўзлари адабиёт, умуман, бадиият оламида бир тушунчанинг инсоний, фалсафий, руҳий, маънавий ифодаларидир. Айниқса, дил, күнгил тушунчалари бадииятда юксак парвозли, жилвакор парвозли сузлар саналади. Юсуф шоир шеърларида дил тушунчасига юклантган маънолар анча ранг-баранг.

Дил-инсоннинг руҳий маънавий оламининг айнан узи. Дил бедорланади, тўлғанади, ингранади, ҳаяжонланиб ларзага тушади. Дил тубида ё турли нуқталарида ҳиссий туйгулар жилоланади, дил ниманидир, кимнидир, қаернидир согинади. Согинч туйгулари эгасини жунбушга келтиради. Жунбушлар жўшиб изҳор қиёфасини касб этади. Ана шу туйгулар изҳори шеър ёки наср тарзида, ёки бошқа тусдаги ижод намунаси сифатида эҳтиёж фарзандига айланади. Бу жараён Юсуф Зиёдов қалами ва ижодига ҳам хос. Бу мулоҳазанинг исботи унинг «Руҳият манзаралари» манзумасида жамланган шеърлардир.

Истиқбол ҳалқимизнинг ижодий сарчашмасининг катта-кичик, очиқ-ёпиқ, англамли-англамсиз, жўшли-жўшсиз кўзлари очилишига равон йўл очиб беради, имкон яратади. Шоирлик дарди, илҳоми, қайноғи ва қийноғи билан яшаётган ижодкорлар сафини орттиради. Турли гўшаларда бадииятнинг назмий, насрний, драмавий, оғзаки ижод каби турфа хил намуналари олам оша юз кўрсатади. Юсуф Зиёд ҳам худди шу шоирларга мансуб бадиий қалам аҳли.

Дил ҳамиша истак, согинч оғушида бўлади. Согинч-ишқ, севги, муҳаббат, васлу висол, эзгу ташвишлар қўмсови. Ушбу манзарадаги шеърларнинг аксариятига ана шу эзгу туйгулар хос. Юсуфона таъбир билан айтганда, шоир туйгулари латиф ва

жилоли. Ижодининг қайноқ ва қийноқ илҳоми ҳам, катта умиди ҳам, чексиз үтиңчи ҳам лутфу жилоли. Нигорининг қалб уйи маъшуқсиз ҳам улкан қаср. Маъшуқнинг кунгил кўзи маъшуқасиз-басир. Шу боис маъшуқнинг бор умри маъшуқа учун бирлаҳзадан иборат. Маъшуқасиз маъшуқ умрининг бирлаҳзаси асрга тенг булади. Бу-дил соғинчининг, дилдорона туйгуниг бирмунча мукаммал тасвири. «Латиф туйғулар жилоси» туркумидаги тўртликлар шеърхон дилини қитиқлаши табиий.

Юсуф Зиёдов шеърлари мутолааси жараёнида туғилган бир мулоҳаза шуки, шеърни баҳолаш уни тушуниш ва ижодкор кузда тутган мақсадни илғаб олиш билан боғлиқ. Шеърнинг ташқи жиҳатинигина қайд қилиш юзакилик белгиси. Қофияси, ҳижо ва туроқлари, лисоний ифодаларининг адабий тилдаги салоҳияти, ҳаётий ҳақиқатга мос-номослиги каби қатор улчовлар шеъриятнинг ташқи аломатлари. Энг муҳими шеърнинг кучи мисралар бағридаги ички, пинҳона мазмунда. Бадиий, фалсафий мазмун ошкора ёки тагмаъно тарзда булади. Тагмаънолик, кўповозлилик-шеърнинг жони ва қони, ҳусни ва юзи. Тагмаънодаги мазмун шеърхонни уйлантиради, умумбашарий мушоҳада босқичига олиб чиқади. Бу босқичнинг макони анча юксакликда бўлади. Юсуфбекка бу борада ижод қийноғи ва қайноғи тилайман. Шеър илҳоми, узи айтганидек, «Латиф туйғулар жилоси» ва жилвасини жалб қиласди. Юсуфбек ана шундай юксак мақомли ва мазмунли бадиий-фалсафий туйғулар олами ичидаги қалам сураверсин.

Тура Нафасов,  
Қарши давлат университети  
профессори.

## ҲОЛАТ

Гоҳида яшадим шодон ва ҳуррам,  
Гоҳида қалбимни босиб келар ғам.

Гоҳида топдим мен эъзоз ва ҳурмат,  
Гоҳида уни ҳам кўп қурди қисмат.

Гоҳида маст булдим ишқнинг майдан,  
Гоҳи куй тингладим ҳижрон найидан.

Гоҳида суурининг бағрида уҷдим,  
Гоҳида қалбимни тингламас ҳеч ким.

Гоҳ хоргин дилларга изладим малҳам,  
Гоҳида қийналдим дардан ўзим ҳам.

Гоҳи ўртнаман, дунё бунча тор,  
Гоҳ юпанч буласан, яхшиям сен бор,

Гоҳ сени қумсайман қилолмай тоқат,  
Сен билан баҳтлиман, сен билан фақат.

## ОЗОРЛАРИНГ БОРМИ, ГУЛИМ

Осмонимда бир қүш бўлдинг, учдинг қувиб етолмадим  
Етолмадим, не қилайки, кунгил узиб кетолмадим,  
Узгаларга бағишлаб дил, узни дилшод этолмадим.  
Ҳали шунча ситамларинг, озорларинг борми, гулим,  
Кенг дунёning бир гарига бағри шунча торми, гулим.

Савдо қилди ишқни сотиб бу дунёning бозорлари,  
Растасида меҳр камёб, бисёр булди озорлари,  
Не қисматким, тиконзордир ишқ қумилган мозорлари,  
Ҳали яна ситамларинг, озорларинг борми, гулим,  
Карам қылмоқ бир гарига, айт, шунчалар орми, гулим,

Топтадилар, хурладилар қадри борлар қадрларни,  
Боқмадилар, курмадилар кўзёшларни, абрларни,  
Синадилар бардошларни, тоқатларни, сабрларни,  
Яна шунча ситамларинг, озорларинг борми, гулим,  
Бир гулюзга гул узатган азал-абад ҳорми, гулим.

Олисларда қолиб кетди бизнинг оҳу зорларимиз,  
Қул узатдик, етолмадик, баланд булди дорларимиз,  
Кулиб кетди биз истаган ҳам дўсту ҳам ёрларимиз,  
Яна шунча ситамларинг, озорларинг борми, гулим,  
Биз етмаган кокилларинг ўзга ёрга дорми, гулим.

## ХАТОЛАРИМНИ АЙТГИН

Қүёшим сұндими, келдими шомим,  
Оғуга дундими май тұла жомим,  
Қалбинг дафтаридан учдими номим,  
Айт, қайси манзилда хато қилдим мен?

Қалбинг құрғонидан тахтни күтдимми,  
Сароб бекатида баҳтни күтдимми,  
Ёлғон ваядалару аҳдни күтдимми,  
Айт, қайси манзилда хато қилдим мен?

Кунглім осмонида моҳим әдинг-а,  
Севинчим, овунчим, оҳим әдинг-а,  
Сен менинг жайроним, оҳум әдинг-а,  
Айт, қайси манзилда хато қилдим мен?

Фамга банди бүлдім, бүлдімку асир,  
Ҳасратнинг лойидан тикладим қаср.  
Қаринингда тил забун, күзларим басир,  
Айт, қайси манзилда хато қилдим мен?

Ё менинг ишқимни илмадинг күзга,  
Мен үтүн лабларинг очилмас сүзга,  
Ё яна бормиди мендан ҳам узга,  
Айт, қайси манзилда хато қилдим мен?

Дилинг фам курмасин, киприкларинг нам,  
Сендан йироқ бұлсин қайту ва алам,  
Доимо арасин яратган Эгам,  
Айт, қайси манзилда хато қилдим мен?

## НАЗАР ШУКУРНИНГ СҮНГИ СҮЗИ

Қорлари күкларни қучган қорли тоғлар, алвидо,  
Гул ифори күкка үтган ҳовли-боглар, алвидо.

Тун аро кун суҳбат айлаб, дилни хушнуд, шод этиб,  
Ул қаро куз бирла утган баҳтли чоғлар, алвидо.

Ёрининг ҳажрида ҳаргиз күнглини дөғ айлаган,  
Кукси нолон, бағри гирён, жисми соғлар, алвидо.

Кўркини куз-кўз этиб гоҳ узни булбул чоғлаган,  
Хониши кўнгилни бузган қарға-зоғлар, алвидо

Айрилиб дилдоридан, сўнг лахта-лахта қон ютиб,  
Ул гарибу нотавонлар чеккан оҳлар, алвидо.

Икки кифтимда турурки, қайси бисёр билмадим,  
Ишқ йулида ҳам савобу ҳам гуноҳлар, алвидо.

Қай кунгилни хуррам айлаб, қай бирин хор айлаган,  
Шульласин тун узра сочган кўқда моҳлар, алвидо.

## МЕНГА ҚАЙТАСАН

Сулув чехра, эй қошлари ёй,  
Киприги уқ сочи сунбул сой,  
Оlam аро тенгсиз бир чирой,  
Сен барибир менга қайтасан.

Кундуз қүёш, тунда гүзал моҳ,  
Дилни тиғлаб кетдинг-ку ногоҳ,  
Қийнаганда дардлар, чекиб оҳ,  
Сен барибир менга қайтасан.

Пайт келади йиллар ҳам утиб,  
Софинчингнинг илкидан тутиб,  
Толиққанда бахтингни кутиб,  
Сен барибир менга қайтасан.

Менсиз дилинг бўлгаймиカン шод,  
Ҳижрон уртаб, этмасми фарёд,  
Тополмассан балки умрбод,  
Сен барибир менга қайтасан.

## УМИД

Бир илиқ табассум, бир ишвали ноз.  
Андуҳлар ортимда қолди кечаги.  
Шунчалар сулувсан, билсанг, сарвиноз.  
Қалбимда ниш урди умид чечаги.

Сенсиз уз кўркини йўқотган боғим.  
Яна гулга кирди ишонгин, дилдор.  
Сенинг дийдорингни қумсаган чоғим.  
Қайта тугилмоқда қалбимда баҳор.

## ЎЗГАЛАРДАН БОШҚАЧАСАН

Йул изладим мен дилингнинг йўлчасига,  
Нега гулим, сен ўзингни обқочасан.  
Кириб чиқдим хаёлнинг минг кўчасига,  
Сен барибир ўзгалардан бошқачасан.

Ойдай юзинг бунча сулув, бунча куркам,  
Узун тунлар бошим узра нур сочасан.  
Тенг келолмас сенга жаннат ҳурлари ҳам,  
Сен барибир ўзгалардан бошқачасан.

## СЕВАВЕРАМАН

Пешонамга висол битмаса майли,  
Қалбимни ҳижрон тарк этмаса майли,  
Чўзилган қўлларим етмаса майли,  
Барибир мен сизни севавераман.

Майли адаштиринг йулларингиздан,  
Маст этманг ифорли бўйларингиздан,  
Балки хеч тутмасман қўлларингиздан,  
Барибир мен сизни севавераман.

Яшайман гуллардан сизни кизғониб,  
Бахт мендан юз буриб кетса ҳам тониб,  
Юрак кул бўлса ҳам охир чоқ ёниб,  
Барибир мен сизни севавераман.

## ТУШ

Бир туш курдим, даҳшатли бир туш,  
Гулзор ичра туармишсан жим.  
Бармогингга узук тақармииш,  
Құлларингдан ушлаб аллаким.

Боқармишсан менга бепарво,  
Аlam борми бундан ҳам ортиқ.  
Сүнг үл кимса бағрига чорлаб,  
Неларнидириң қилғанмиш тортиқ

Мен ҳам недир бермоқ қасдида,  
Узатибман багримни юлиб.  
Олибсану уни оқиста,  
Эзғилабсан жилмайиб, кулиб.

Завқ олибди бармоқларингдан,  
Курса ҳамки бу қадар хүрлик.  
Раҳми келиб сенинг ҳолингта,  
Қонлар ютиб йиглабди шурлик.

Менинг дунё тенг келмас мулким,  
Бор бисотим -сенга ташна қалб.  
Уни сенга бахшида этгум,  
Юрагимни туттум ҳовучлаб.

## УШАЛ КУН КЕЛСА

Ушал кун келса-ю, гулласа осмон,  
Кузларим қузларинг қаърига чукса.  
Қалбингнинг қулфлари очилса бир дам,  
Юрагим ёмғирдай дардини тукса.

Ушал кун келса-ю, гунча лабингдан,  
Бол ҳадя қилмоққа топсайдинг имкон.  
Юрак торлик қилса, отилиб чиқса,  
Ва сунг оғушингда ором олса жон.

\* \* \*

Ишонаман, албатта ушал кун ҳам келади,  
Ишонаман, бир куни баҳт биз сари елади.  
Юраккинам, оҳ нетай, висолингни тилади,  
Тилагим япроғида шабнам ўзинг, жонгинам,  
Соғинган дил-дардимга малҳам ўзинг, жонгинам.

\* \* \*

Хаёт, илминг бари бехуда,  
Кисматимдан мен сабоқ олдим.  
Мен топишдан күркаман жуда,  
Йуқотишта күникиб қолдим.

Гузал, лабинг тишимагил, бас,  
Амалларинг бехуда бари.  
Билсанг, эркам, лаблардан эмас,  
Күздан оқар соғинч ёшлари.

\* \* \*

Тақдирнинг шум уйиними бу,  
Нега сени топдим бунча кеч.  
Қалбим чулғар энг гузал туйғу,  
Нечун эркам, тушунмайсан ҳеч.

Насиб этмас наҳот бу чирой,  
Кечикдимми, утдими фурсат.  
Қалбингни оч топай ундан жой,  
Ё узлатнинг йулларин күрсат.

## КҰЗЛАРИНГ УЧУН

Севасану пинҳон тутасан,  
Дилга чукар айтар сузларинг.  
Дил дардингни ичға ютасан,  
Севаман деб бокар кузларинг.

Бир суз дема, сұzlама зинҳор,  
Билки, кузлар сақтай олмас сир.  
Менга илҳақ сунгсиз меҳр бор,  
Кузларингнинг тубида ахир.

Сен ҳам айла қалбингга имдод,  
Эркам, үзни алдамоқ нечун.  
Мен яшайман дилни этиб шод,  
Севдим деган кузларинг учун.

## МЕНИ КЕЧИР

Айт, ишқ нимёа, висол отлиғ ҳузур надир?  
Осмондами, билолмадим, ул қайдадир?  
Бу оламда ишқ бўлмаса, йуқми қадр.  
Сендан ишқни талаб қилдим, мени кечир.  
Дилингда гар булса номим уни учир.

Сенсиз бир кун, билмайсанки, йилдек утар.  
Илким чузсам қисмат менга оғу тутар.  
Эзилган дил яна сендан меҳр кутар.  
Ишқим сенга келса малол мени кечир.  
Дилингда гар булса номим уни учир.

\*\*\*

Үзгача яшайман бугундан бошлаб,  
Жисмим тополмайсиз еру самодан.  
Майли, изларимни супуриб ташланг,  
Үзимни уғирлаб кетдим худодан.

Йүқликда яшамоқ қисматдир магар,  
Бу буюк мұхаббат, бу буюк сабр.  
Ажабланманг асло пайдо булса гар,  
Қалбингиз түрида номаълум қабр.

### УЗИНГГА БОГЛАМА

Боглама ой каби юзингга,  
Боглама охудай қузингга,  
Боглама бол каби сүзингга,  
Асир этмоқликни хуш күрасанми?

Нетай, сенга боғландим үзим,  
Сузлай десам топилмас сузим,  
Тилим забун, күрмайди күзим,  
Басир этмоқликни хуш күрасанми?

## КУП ҲАЛИ УМИДИМ

Ҳаётдан куп ҳали умидим,  
Орзуим ушалиб битмаган.  
Эңг гузал, бокира ҳисларим,  
Күнглимин тарк этиб кетмаган.

Ҳаётдан куп ҳали умидим,  
Согинчлар дилимда гуллайди.  
Бесубор болалик чөлларим,  
Суранли йилларга йуллайди.

Ҳаётдан куп ҳали умидим,  
Парвозга шай бургут сингари,  
Мен бугун илк қадам ташладим,  
Суурбахш бир гузал ишқ сари.

\* \* \*

Айтгин, дунё меҳри сұндими,  
Қисмат ғамдан қамчи йундими,  
Бунча маъюс, бунча ғамгинсан,  
Дилгинанғта ғубор қундими.

Мағрур боққил қуёшларингга,  
Бардош қүшгил бардошларингга,  
Арзимайди бу дунё, гулим,  
Аламлару күз ёшларингга.

## ЛАТИФ ТҮЙГУЛАР ЖИЛОСИ

Оппоқ тонгинг муборак бұлсин,  
Сен Эгамнинг буюк инъоми.  
Бахтинг кулсин, иқболинг кулсин,  
Ижодимнинг қайноқ илҳоми.

\*\*\*

Энг катта умидим, чексиз ўтинчим,  
Қисмат сени мендан олмасин тортиб.  
Сен ҳақингда тунлар хаёл сурсам жим,  
Яшашта ҳавасим бормоқда ортиб.

\*\*\*


Бунчалар гузалсиз, бунчалар сулув,  
Шам каби эрийман сұzlарингиздан.  
Нигоҳингиз қалбга солади ғулу,  
Нур олиб яшайман күзларингиздан.

\*\*\*

Қалбинг уйи менсиз қаср бұлади,  
Сенсиз күнглим кузи басир бұлади.  
Менинг бутун умрим сенга бир лаҳза,  
Сенингсиз бир лаҳзам аср булади.

\*\*\*

Сен менинг севинчим, нолам, охымсан,  
Сен мени ҳаётга ундалан бардош.  
Тунлари сен менинг күкда моҳимсан,  
Кундузи қалбимни ёритган қуёш.



\*\*\*

Сен ҳаётда гам чекмагин, қулиб-кулиб яшагин,  
Озор күрма, завқу шавққа тулиб-тұлиб яшагин.  
Қалбингта ҳеч гард құнмасин, баланд бұлсин иқболинг,  
Узга дилдан қунган гардни юлиб-юлиб яшагин.

\*\*\*

Кетаяпман ҳамон қайдадир,  
Иzlарингда күзларим гирён.  
Сенсиз қолған узун кечанинг,  
Ҳали тонги отмади, ишон.

\*\*\*

Ҳаёт, сувинг бунчалар тахир,  
Шури бордир пешонамнинг ҳам.  
Сен билмайсан, бу бир баҳт ахир,  
Азоблардан роҳатланиш ҳам.

\*\*\*

Озорларинг қалбимга малҳам,  
Унутаман күнгил ғашлигин.  
Қийнамасдинг билсайдинг, эркам,  
Қийногингнинг хузурбахшигін.

\*\*\*

Сафарга отландым манзилим қалбинг,  
Озуқам юрагим, уловим жуфт байт.  
Хаёл гирдобида аданиб қолдим,  
Қийнама, қалбингта борар йұлни айт.

\*\*\*

Вафоли ёр, севикли дилдор,  
Дил ришиласин зимдан узурми.  
Бир күнгилга бермоқлик озор,  
Айт-чи, сенга шунча ҳузурми?

\*\*\*

Охумидинг, қочдинг қувиб етолмадим,  
Тингламадинг, дардим изҳор этолмадим.  
Узгаларнинг даврасида бир гул булдинг,  
Қалбимдасан, сендан айро кетолмадим.

\*\*\*

Ҳали сув ичмадим унинг кафтидан,  
Яшашга ҳаққим бор кўксимни кериб.  
Бугун бир ушлаган қўлнинг тафтидан,  
Вужудим шам каби бормоқда эриб.

\*\*\*

Майли етиб бормас сизга дил сўзим,  
Айтар тилакларим топмас ниҳоя.  
Майли мен гарибни эсламанг бир зум,  
Саломат юрсангиз менга кифоя.

\*\*\*

Ящаб келдим мағрур ва масрур,  
Ром этмаган эди бирор дил.  
Хаёлимни тарк этди гуур,  
Бердиммикан мен сенга қўнгил.

\*\*\*

Югураман, олисдир йўлим,  
Қайтармайман қунгил шаштини.  
Афсус ҳали билмайсан, гулим,  
Қувиб етолмаслик гаштини.

\*\*\*

Шонирма, сабрнинг сувидан ичир,  
Қисмат заққумидан роса тўйибман.  
Оллоҳим, Оллоҳим, сен мени кечир,  
Қўлим етмас ойга қўнгил қўйибман.

\*\*\*

Тонгда майин сабо уйғонди,  
Ишқ навоси садо уйғонди,  
Ишқингда бир адо уйғонди,  
Турғил, гулим, ифорингни соч.

\*\*\*

Баъзан шодон юрдим, баъзан дилда ғам,  
Гоҳида дилимга изладим малҳам.  
Сенинг қалбингга ҳеч қулоқ солдимми,  
Кийнаб қўймадимми мен сени, эркам.

\*\*\*

Яшаяпман ишқинг аро қуйиб-ёниб,  
Дош беролмай ишқинг тафти-нурларига.  
Қуёшисан юрагимнинг билсанг, жоним,  
Алишмасман сени жаннат хурларига.

\*\*\*

Юрак қурғур шунчалар ужар,  
Айтганидан сира қолмайди.  
Булди дейман, бас дейман унга,  
Афсус, менга қулоқ солмайди.

\*\*\*

Майли утга отгин түйгуларимни,  
Уларга құшиб от юрагимни ҳам.  
Барибир сен мендан айро эмассан,  
Бир куни соғиниб эслайсан, эркам.

\*\*\*

Кўзим қамашади ҳуснингга боқиб,  
Сен мұъжаз қалбимда сұнмас офтобсан.  
Умрим мазмунини излайман сендан,  
Хали ўқилмаган гузал китобсан.

\*\*\*

Кунглимни кукларга байроқ этиб ил,  
Дор ясаб сочингнинг толаларидан.  
Кўзинг намланмасин, ўртамасин дил,  
Бир телба мардумнинг нолаларидан.

\*\*\*

Айбдор санайман сени чинакам,  
Айбинг – қошинг қалам, киприкларинг ўқ.  
Бир мажруҳ юракни қийнайсан ҳар дам,  
Севолган юракда билки, айб йуқ.

\*\*\*

Севган дил гам-туссага тўлмаслигини билдим,  
Ишқсиз кимсага толе кулмаслигини билдим.  
Ул паридан кўнгилни узай деб куп уриндим,  
Севган кўнгилни узиб бўлмаслигини билдим.

\*\*\*

Узай десам кўнгил торини,  
Кучим етмас, мадорим етмас.  
Тингламайсан бу дил зорини,  
Кесай десам ханжарим ўтмас.

\*\*\*

Майлими ўйласам сенинг ҳақингда,  
Ойдек жамолингга туйиб тикилсам.  
Майлими ўзимни отсаму шу чоқ,  
Пардек қучогингга тутдай тукилсам.

\*\*\*

Кун келиб узилса умр – жон япроқ,  
Кўзим қарогидан жой олса тупроқ.  
Билмадим, ортимда нелар қолади,  
Гуноҳми, савобми, қай бири кўпроқ.

\*\*\*

Хуш бўйингни изладим мен ифорлардан,  
Гул юзингни изладим мен баҳорлардан.  
Сенсиз утган ҳар бир туним йилга тенгдир,  
Кундузимни изладим мен наҳорлардан.

\*\*\*

Оппоқ тонгим сен билан отса,  
Унут бўлса қайгу ва гуссанг.  
Мен ҳақимда хаёлга ботсанг,  
Жоним олса энг ширин буссанг.

\*\*\*

Умидвор яшайман, нетай мен,  
Татишига лабингнинг болидан.  
Яшайсан бепарво кулиб сен,  
Бир гарип ошиқнинг ҳолидан.

\*\*\*

Нега бунча йироқлаб кетдинг,  
Кел ёнимга, кел бағримга қайт.  
Юрагимга жароҳат битдинг,  
Ҳеч булмаса дил дардингни айт.

\*\*\*

Армонлар қийнади, ўртади хижрон,  
Бир дилга, айт, кўнгил қўйиш гуноҳми,  
Кечикдик демагил, жоним ҳеч қачон,  
Охир чоқ висолга туйиш гуноҳми.

\*\*\*

Орзуманд бир қалбни қийнамоқ нечун,  
Чек қўйдим орзуга, ўйга, хаёлга.  
Хазон қалбимни жим тинглагани-чун,  
Мен қуллуқ қиласман сиздай аёлга.

## ДУНЁ

### (Достон)

Ёлғон дунё, рост дунё,  
Құлмиии қасос дунё.  
Меҳрингга мен түймадим,  
Кел, бағрингга бос, дунё.

Фурсат борми узишга,  
Сендан жуда қарзим күп.  
Гоҳ шодлик, гоҳ ғам бердинг,  
Ҳам шукрим, ҳам арзим күп.

Улгайдим бағрингда мен,  
Түғилдим озод ва ҳур.  
Тилимта калом бердинг,  
Кузларимга зиё-нур.

Тутиё қилиб бердинг,  
Хәётнинг жилосини.  
Сұнг дилемга жойладинг,  
Онамнинг сиймосини.

Гоҳ ғамга банди бұлдим,  
Гоҳи шодликка ёрман.  
Гоҳ ишқнинг оғушыда,  
Гоҳи тунлар бедорман.

Асал дунё, бол дунё,  
Кел, дардимни ол, дунё,  
Бандаларнинг күнглига,  
Имон, тавфиқ сол, дунё.

Берган неъматинг бисёр,  
Узурманми қарзимни.  
Шукронам кўпдир, бирок,  
Айтиб утай арзимни.

Минг битта йул очиқдир,  
Ғам-кулфатнинг зулфига.  
Битта калит топилмас,  
Қувончининг минг қулфига.

Жодуларинг купмиди,  
Ё қилмишинг сеҳрми?  
Гоҳ банданинг кўнглидан,  
Олиб қўйдинг меҳрни.

Оға инига ёгий,  
Она қизга келмас хуш.  
Фарзанд бир кун воажаб,  
Булиб чиқса падаркуш.

Сен бунчалар хотиржам,  
Қаҳринг шунча тошиди.  
Дарёларинг, кўлларинг,  
Кўздан оқсан ёшмиди.

Ёмғир дунё, қор дунё,  
Бургут дунё, сор дунё,  
Кимнидир хор айлаган,  
Кимларгадир ёр дунё.

Бағринг бунча турфа хил,  
Чангалзорга ухшайди.  
Қай бир каснинг кунглида,  
Қарға-қузғун қишлийди.

Яна қай бир банданинг,  
Қалбидә оппоқ орзу.  
Меҳр бериб, бағрингдан,  
Олгани ғаму қайғу.

Кимдир утар, етмасдан,  
Умр-жоннинг қадрига.  
Кимдир эса тополмас,  
Даво-малҳам дардига.

Кимдир сенинг завқинг-ла,  
Учиб юрар юксакда.  
Кимдир ётар бир умр,  
Туролмасдан тушакда.

Не мақсадни кузлайсан,  
Ростмисан, ёлғонмисан.  
Ҳам савобу гуноҳга,  
Урганиб қолғонмисан.

Осмон дунё, ер дунё.  
Барчага баҳт бер, дунё.  
Нелигингни билмадим,  
Тилсим дунё, сир дунё.

Нега бунча чигалсан,  
Сенга етмас уйларим.  
Шух қүшиқни истардим,  
Мунгли бүлди куйларим.

Яшаяпман, кунглимнинг  
Ямаб каму кустини.  
Олиб кетдинг бирма-бир,  
Саккиз нафар дустимни.

Бағрингда не ҳислар бор.  
Ҳасадми ёки қекми?  
Тупроғинг ютиб кетди,  
Жияним Отабекни.

Унинг ҳам қалбиди күп,  
Орзулари бор эди.  
Уни баҳтли этгувчи,  
Бир гузал дилдор эди.

Афсус, бир алп йигитнинг,  
Қайирдинг-ку шаштини.  
Эвоҳ, у кўрмай кетди,  
Чимилдиқнинг гаштини.

Йўқликка эшик дунё,  
Алласиз бешик дунё,  
Соқовмисан, кармисан,  
Дардимни эшит, дунё.

Наймисан, танбурмисан,  
Мунгли оҳант тараалган.  
Наволаринг бунча куп,  
Ғам-қайғудан яралган.

Азал-абад дунёсан,  
Айтгин қасби -корингни.  
Не зотлар утиб кетди,  
Билмай сир-асрорингни.

Мен ҳам бир ожиз банда,  
Қизиққандим билишга.  
Ҳам хушим, ҳам ақлим йўқ,  
Сени тафтиш қилишга.

Узинг закий, доносан,  
Барча ҳикмат сенда жам.  
Зулмат ҳам оғушингда,  
Ёритгувчи зиё ҳам.

Ғамни ҳам бергувчи сен,  
Бардошни ҳам, баҳтни ҳам.  
Кимгадир хақирликни,  
Кимга зару таҳтни ҳам.

Бир зумда содир дунё,  
Ҳиммати нодир дунё,  
Гуноҳ-савоб сенда жам,  
Хар нега қодир дунё.

Баъзида сендан нолиб,  
Қайгудан тукамиз ёш.  
Баъзан куз очилади,  
Деворга текканда бош.

Бахтдан масрур чоғларда,  
Четга суриб имонни,  
Зулматда тентираимиз,  
Қўйиб ёруг имконни.

Парво қилмай фақирнинг,  
Куздан оққан ёшига.  
Қул чўзган каслар озми,  
Узгаларнинг ошига.

Ботмоқдамиз бальзида,  
Нафснинг ботқоғига.  
Лангар ҳам ташлаб кўрдик,  
Фалакнинг қирғоғига.

Дунё, имкон бормикан,  
Тилсимларинг билишга.  
Уриниб курдик тоҳи,  
Ойни копток қилишга.

Омон дунё, соғ дунё,  
Багри бустон, боғ дунё.  
Имони бут бандага,  
Мудом кўнгли чоғ дунё.

Дунё, сендан шукрим куп,  
Ҳасратдан бегонаман.  
Гар ёниш керак булса,  
Ишқ утида ёнаман.

Баъзан тунлар бедорман,  
Упаман юрт-тупроқни.  
Дилимга тушар гулу,  
Гуноҳларим купроқми?

Дунё, бевақт бандага,  
Раво курма қабрни.  
Қалбига жойла маҳкам,  
Матонатни, сабрни.

Дунё, ҳеч англармисан,  
Мазлумларнинг ҳолини.  
Банданинг қалбига эк,  
Эзгулик ниҳолини.

Етармикан имконим,  
Узурманми қарзимни.  
Дунё, сен қабул айла,  
Ҳам шукримни, арзимни.

Дунё булиб қол, дунё,  
Кел, дардимни ол, дунё.  
Қаҳри аччиқ оғудан,  
Мехри асал-бол дунё.

Жилоларинг турфа хил,  
Кунгилнинг хар фаслида.  
Сени севмай булурми,  
Чиройлисан аслида.

Дунё, арит қалбимдан,  
Шубҳа, гумон тутунин.  
Оқларманми, имкон бер,  
Онамнинг оқ сутини.

Дийдорингга туймайман,  
Сен, барибир, гузалсан.  
Таърифинг бўлмас адo,  
Ёзилмаган ғазалсан.

Орзуга макон дунё,  
Тирикка имкон дунё,  
Айттолмасман ўзга сўз,  
Ҳикматларга кон дунё.

## МУНДАРИЖА

Дил соғинчлари изоҳлари.....	3
Ҳолат.....	5
Озорларинг борми, гулим.....	6
Хатоларимни айттин.....	7
Назар Шукурнинг сунгти сўзи.....	8
Менга қайтасан.....	9
Умид .....	9
Узгалардан бошқачасан.....	10
Севавераман.....	10
Туш.....	11
Ўшал кун келса.....	12
Ҳаёт, илминг бари беҳуда.....	13
«Тақдирнинг...» .....	13
Кузларинг учун .....	14
Мени кечир.....	14
Узгача яшайман.....	15
Ўзингга боғлама.....	15
Куп ҳали умидим.....	16
«Айтгин...».....	16
Латиф туйғулар жилоси.....	17
Дунё.....	23

# **АДАБИЙ- БАДИЙ НАШР**

**Юсуф ЗИЁДОВ**

## **РУҲИЯТ МАНЗАРАЛАРИ**

Шеърлар

Муҳаррир:

М. Муродов.

Техник муҳаррир:

Ч. Рахмонов.

Мусаҳҳих:

М. Муродов.

Саҳифаловчи:

Ш. Холмуродова.

Нашриёт лицензия № AI 139, 27.04.2009 йил. Теришга 20.12.2012 йилда берилди. Босишига 29.01.2013 йилда ружсат этилди. Бичими 84x108 1/32. Оффсет қоғози. Times TAD гарнитураси. Оффсет усулда чоп этилди. Шартли босма табоги 1,68. Нашр босма табоги 0,79. 117-2012-шартнома. 4-бујортма. 200 нусхада. 32 бет. Эркин нарҳда.

«Насаф» наиприёти, 180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кӯчаси, 22-уй.

«Қаршиполиграфнашр» МЧЖда чоп этилди.  
180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кӯчаси,  
22-уй.